

СУБСИДИЯНИ НАТИЖА КЎРСАТКИЧИГА БОҒЛАБ ТЎЛАШ ВА ҒАЗНА РЕЗЕРВЛАШ ТАРТИБИ

Худайназаров Бекзод Акрамович

Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт ва молия вазирлиги

Қишлоқ хўжалигидаги ислохотларни молиявий

қўллаб-қувватлаш департаменти бўлим бошлиғи,

E-mail: B_xudaynazarov@mail.ru

<https://doi.org/10.5281/zenodo.22723582>

Qabul qilindi: 4-sentabr 2026-yil • Ma'qullandi: 11-sentabr 2026-yil • Nashr qilindi: 12-sentabr 2026-yil

Аннотация.

Тезисда субсидия тўловини базавий ва натижа улушларига ажратиш модели таклиф этилиб, улушни чора турига қараб табақалаштириш усули асосланади. Натижа тасдиқланмаган ҳолат учун тўрт босқичли тартиб ва ғазна резервининг улуш миқдоридан келтириб чиқариладиган ҳисоби келтирилади; механизмнинг мумкин бўлган самараси уч сценарийда баҳоланган.

Калит сўзлар:

натижага йўналтирилган бюджетлаштириш, субсидия, ғазна резерви, кўп йиллик мажбурият, шартлилик, молиявий назорат, самарадорлик.

Амалдаги субсидиялаш тартибида тўлов мослик шarti бажарилганда амалга оширилади: талабгор ҳужжатларни тақдим этади, ижобий хулоса олади ва тўловни қабул қилади. Тўловдан кейин эришилган натижа ҳисобга олинмайди. Натижага йўналтирилган бюджетлаштириш адабиётида бундай конструкция самарадорликка рағбат яратмаслиги кўрсатилган [2]; амалиётда эса натижа ахбороти тўпланиб, бюджет қарорларини ўзгартирмайдиган ҳолат кенг тарқалган [3].

Тўловни ажратиш модели

Таклиф этилаётган модель тўловни икки қисмга ажратишга асосланади:

$$S(j) = (1 - \beta_j) \cdot S(j) + \beta_j \cdot S(j) \quad (1)$$

бунда биринчи қисм — базавий улуш — мослик шarti бажарилганда амалдаги тартибда тўланади; иккинчи қисм — натижа улуши — белгиланган муддатда натижа кўрсаткичи тасдиқлангандан кейин тўланади.

Улуш барча чоралар учун бир хил белгиланмайди. У чоранинг функционал турига, аниқроғи ушбу тур учун ҳисобланган натижа вазнига мутаносиб равишда табақалаштирилади:

$$\beta_j = \beta_{\max} \cdot w3(\text{тур}) / \max w3 \quad (2)$$

бунда $w3(\text{тур})$ — чора турига мос натижа вазни. Ҳисобга кўра, максимал улуш йигирма фоиз этиб белгиланганда компенсацион чораларда улуш 4,4 фоизни, инвестицион-компенсацион чораларда 15,4 фоизни, рағбатлантирувчи чораларда 20,0 фоизни ташкил этади. Табақалаштириш моделни амалий жиҳатдан юмшатади: натижаси билвосита намоён бўладиган чораларда олувчи учун ноаниқлик минимал даражада қолади.

Натижа тасдиқланмаган ҳолат учун тартиб

Тўрт босқичли жавоб тартиби белгиланади. Биринчи босқичда натижа улуши тўланмайди — бу маблағни ундириш эмас, тўламаслик, шу боис у судгача бўлган тартибни талаб қилмайди. Иккинчи босқичда талабгорга натижани кейинги давр

якунигача тасдиқлаш имконияти берилади. Учинчи босқичда талабгор қарор устидан эътироз билдириши мумкин; эътироз кўриб чиқилгунга қадар натижа улуши ғазна резервида сақланиб турилади. Тўртинчи босқичда, сабаб қоидабузарлик бўлса, аллақачон тўланган базавий улуш ҳам қайтарилади. Сўнгги босқич учун ҳуқуқий асос амалдаги низомда мавжуд [4] — демак модель янги ҳуқуқий институт яратишни талаб қилмайди.

Ғазна резервлаш тартиби

Натижа улуши жорий йилда тўланмаслиги мумкин бўлгани сабабли, унга мос маблағ резервда сақланиши керак. Резерв ҳажмини қатъий фоизда белгилаш нотўғри бўларди: у айнан боғланадиган маблағни қоплаши шарт. Шу боис резерв улуш миқдоридан келтириб чиқарилади:

$$Рез = \sum \beta_j \cdot S(j) \cdot [1 - p(j)] + R_k \quad (3)$$

бунда $p(j)$ — натижа тасдиқланиши эҳтимоли, R_k — олдинги йилдан кўчган мажбуриятлар қолдиғи. 2025 йил маълумотлари бўйича иккинчи қўшилувчи 89,4 млрд сўмни, яъни йиллик ҳажмнинг 2,20 фоизини ташкил этган. Улуш йигирма фоиз бўлганда биринчи қўшилувчи 2,53 фоизни беради; демак резервнинг умумий ҳажми йиллик қўллаб-қувватлаш ҳажмининг тахминан 4,7 фоизини ташкил этиши лозим. Резерв алоҳида маблағ ажратишни талаб қилмайди — у режалаштирилган ҳажм ичида тақсимланмаган қолдиқ сифатида шакллантирилади.

Тўланмаган натижа улушининг тақдири алоҳида белгиланади. Уни бюджетда қолдириш ва қайта тақсимлаш — икки муқобил ечим. Мазкур тезисда иккинчи вариант танланади, чунки биринчиси тармоқдаги умумий қўллаб-қувватлаш ҳажмини камайтиради ва механизмнинг мақсадига зид келади. Тўланмаган улуш натижаси тасдиқланган чоралар ўртасида уларнинг ҳажмига мутаносиб равишда қайта тақсимланади; шу тариқа механизм бюджет харажатини қисқартирувчи эмас, унинг ичидаги тақсимотни натижага боғловчи восита бўлиб қолади.

Моделни жорий этишдаги учта хатар олдиндан қайд этилади. Биринчиси — талабгорларнинг чорадан фойдаланиш иштиёқининг пасайиши: тўловнинг бир қисми ноаниқ ҳолатда қолгани сабабли, айниқса кичик хўжаликлар учун ариза бериш жозибадорлиги камаюди. Иккинчиси — натижа кўрсаткичини сунъий яхшилаш, яъни кўрсаткичга мослашиш. Учинчиси — маъмурий юкнинг ортиши, чунки натижани тасдиқлаш қўшимча текширувни талаб қилади. Учала хатар ҳам механизм параметрлари орқали бошқарилади: биринчиси улуш миқдорини чеклаш билан, иккинчиси кўрсаткичларни бир нечта ўлчов бўйича олиш билан, учинчиси эса тасдиқлашни масофадан кузатиш маълумотлари асосида автоматлаштириш билан камайтирилади.

Сценарий ҳисоб-китоби

Механизмнинг мумкин бўлган самараси 2025 йил маълумотларида уч сценарийда баҳоланди. Ушлаб қолиш мезони самарадорлик кўрсаткичидан ажратилиб, натижа тасдиқланиши эҳтимоли мустақил параметр сифатида киритилди. Натижалар 1-жадвалда келтирилган.

1-жадвал

Натижага боғланган улушнинг тизим кўрсаткичига таъсири, 2025 йил

Сценарий	$\beta_{\max}$, %	Боғланадиган маблағ, млрд сўм	Тизим кўрсаткичи	Ўсиш, %
Базавий ҳолат	0	—	0,649	—
S1 — нейтрал	20	136,5	0,659	+1,6
S2 — мўътадил	20	102,7	0,671	+3,5
S3 — кучли	20	205,4	0,694	+6,9

Манба: муаллиф ҳисоб-китоби [5]. Тизимнинг умумий ҳажми барча сценарийларда ўзгармас.

Ҳисоб иккита хулоса беради. Биринчиси — боғлиқлик учала сценарийда ҳам мусбат ва бюджет харажатларининг умумий ҳажми ўзгармайди; демак самара маблағни ошириш ҳисобига эмас, тақсимотни ўзгартириш ҳисобига олинади. Иккинчиси — самаранинг кучи улуш миқдорига эмас, натижани тасдиқлаш тартибининг фарқлантирувчи қобилятига боғлиқ: тасдиқлаш формал бўлса ва барча талабгорлар учун бир хил натижа берса, механизм деярли ишламайди.

Ушбу хулоса моделни жорий этишнинг устувор йўналишини белгилайди. Модель фақат ўзининг арифметик оқибатини ҳисоблагани сабабли, ҳисоб натижаси эмпирик тасдиқ эмас, самаранинг мумкин бўлган кўламини баҳолашга хизмат қилади.

Механизмни жорий этишнинг ҳуқуқий шакли ҳам аниқлаштирилади. Янги қонун қабул қилиш талаб этилмайди: етарли шакл — амалдаги низомдаги маблағни қайтариш тартибини натижа мезони билан тўлдириш ва натижа улушининг миқдорини тегишли қарорда белгилашдир. Ғазна резерви ва кўп йиллик мажбуриятларни рўйхатга олиш эса бюджет жараёнининг амалдаги қоидалари доирасида амалга оширилади. Ушбу ҳолат ислохотнинг ҳуқуқий нарҳини камайтиради ва уни босқичма-босқич жорий этиш имконини беради; шу билан бирга у назорат органлари учун янги текширув предметини — натижа тасдиғининг асослилигини — шакллантиради.

Механизмнинг харажат томони ҳам эътиборга олинади. Халқаро аудит амалиётида давлат харажатларини баҳолашнинг биринчи мезони тежамкорлик — натижага эришиш учун сарфланган ресурс миқдоридир [3]. Натижага боғланган тўловда қўшимча харажат натижани тасдиқлаш босқичида юзага келади ва у тўловлар сонига мутаносиб бўлади. Агар ҳар бир натижа жойида текширув орқали тасдиқланса, харажат кескин ошади; шу боис тасдиқлашнинг асосий қисми масофадан кузатиш ва идоралараро маълумот алмашинуви орқали автоматлаштирилиши, жойида текширув эса хатар даражасига қараб танлаб амалга оширилиши лозим.

Шундай қилиб, таклиф этилаётган модель субсидия механизмнинг ҳажмини эмас, унинг ички тузилишини ўзгартиради. Тўлов икки қисмга ажралади, улуш чора турига қараб табақалаштирилади, натижа тасдиқланмаган ҳолат учун тўрт босқичли тартиб амал қилади, тўланмаган маблағ эса резервда сақланиб, натижаси тасдиқланган чораларга қайта тақсимланади. Ушбу тўртта элемент биргаликда тўловни натижага боғлайди ва айни пайтда олувчилар учун ҳуқуқий аниқликни сақлайди.

Таклиф ва тавсиялар

1. Субсидиянинг натижа кўрсаткичига боғланадиган улуши жорий этилсин; бошланғич босқич учун унинг максимал қиймати 15–20 фоиз оралиғида белгилансин. Ўн фоиздан кам улуш сезиларли самара бермайди, ўттиз фоиздан ортиғи эса олувчилар учун ноаниқликни ҳаддан ташқари оширади.

2. Улуш барча чоралар учун бир хил эмас, чоранинг функционал турига қараб табақалаштирилсин; компенсацион чораларда у минимал даражада сақлансин.

3. Натижа кўрсаткичи сифатида маҳсулот ҳажми эмас, ресурс самарадорлиги — тежалган сув, электр энергияси, унумдорлик ўсиши — олинсин. Маҳсулот ҳажмига боғлаш тўловни халқаро таснифда савдони бузиш даражаси юқори гуруҳга яқинлаштиради.

4. Ғазна резервининг ҳажми қатъий фоизда эмас, натижага боғланган улуш миқдоридан келтириб чиқарилсин; акс ҳолда улуш ошганда резерв етишмай қолади ва механизм тўхтади.

5. Кўп йиллик бюджет мажбуриятлари алоҳида рўйхатга олинсин — мажбурият пайдо бўлган давр билан тўлов амалга ошириладиган давр ажралгани сабабли, улар жорий йил ҳисоботида кўринмайди.

Adabiyotlar, References, Литературы:

1. FAO, UNDP, UNEP. A Multi-Billion-Dollar Opportunity: Repurposing Agricultural Support to Transform Food Systems. — Rome: FAO, 2021.

2. Robinson M. (ed.). Performance Budgeting: Linking Funding and Results. — Basingstoke: Palgrave Macmillan, 2007.
3. Schick A. The Performing State // OECD Journal on Budgeting. — Paris: OECD, 2003. — Vol. 3, No. 2.
4. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2019 йил 12 июлдаги 578-сон қарори билан тасдиқланган Низом. — <https://lex.uz/docs/4416988> (мурожаат санаси: 25.08.2026 й.).
5. Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт ва молия вазирлиги. Давлат бюджети ҳисобидан ажратилган субсидиялар тўғрисида маълумот, 2018–2026 йиллар: чоп этилмаган идоравий реестр. — Тошкент, 2026.